



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 25-sentabr, chorshanba * № 32 (1144)



ЎСМИРЛАР ЖИНОЯТГА НЕГА ҚЎЛ УРИШМОҚДА?

Бизни ажаблантиргани, ҳайхотдай уйда бўйга етган, ammo ҳали никоҳдан ўтиб, турмуш қурмаган ўғил ва қизнинг ёлғиз яшаб келганидан, наҳотки, маҳалла-қўй, участка ноизири хабардор бўлмаган? Ишонинг келмайди...

⇒ 2-бет



“БЛОГЕРНИ ЖУРНАЛИСТ ДЕБ БЎЛМАЙДИ”

Эътибор қилинса блогерлик фаолияти, албатта, Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан боғлиқ. Уларнинг ахборот тарқатиш ёки маълум масалалар бўйича ўз шахсий позициясини билдириш нуктаи назаридан ижтимоий фаол фуқаролар сифатида кўрсак ҳам бўлади.

⇒ 4-бет

“ЎТКАН КУНЛАР” ЁДИ

Абдулла Қодирий таваллудининг 112 йиллиги муносабати билан буюқ ёзувчи асаридagi севимли қаҳрамонларни экранга кўчирган машҳур театр ва кино артистлари Гулчехра Жамилова ҳамда Гулчехра Саъдуллаева билан суҳбатлашдик.



⇒ 6-бет

• ЯНГИЛИКЛАР • ХАБАРЛАР • ВОҚЕАЛАР

Наманганда “Ўтмишга саёҳат”

халқаро тарихий-маданий фестивали ўтказилади

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йил февраль ойида Наманган вилоятига ташрифи чоғида, Ахсиқент археологик ёдгорлик мажмуасида қадимий тарихни тарғиб қилувчи фестивал ўтказиш бўйича тавсия берган эди.

Шунга мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 21 сентябрь куни археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Унга кўра, 2021 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта Наманган вилоятида Ахсиқент ёдгорлиги асосида кенг халқ оmmasига тарих билимини тарғиб этиш ҳамда туризмни ривожлантириш мақсадида “Ўтмишга саёҳат” халқаро тарихий-маданий фестивал ўтказилади.

“Эзгуликка ҳиссангни кўш!”

Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ҳамда Ёшлар иттифоқи Навоий вилоят кенгаши ҳамкорлигида Навоий шаҳар “Ёшлар маркази”да “Эзгуликка ҳиссангни кўш!” шiori остида “Тинчлик учун” халқаро хайрия акцияси ташкил этилди.

Ушбу акциядан мақсад — Афғонистонда яшовчи, ота-она қарамоғисиз қолган, оғир шароитларда яшаётган этник ўзбек ёшларининг муаммоларига кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Акцияда Навоий шаҳридаги Мудофаа вазириликка қарашли сафарбарлик қақирув

резерви баталёнининг 400 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчилари, умумтаълим мактабларининг бошланғич ташкилот етакчилари, ўқувчилар иштирок этди.

Акция доирасида келиб тушган барча жиҳозлар Ўзбекистоннинг Афғонистондаги бош консулхонаси ёрдамида “Ўзбекистон темир йўллари” орқали Афғонистонга жўнатилади.

Сангардакда тикувчилик корхонаси

Сурхондарё вилояти Саринсё туманидаги Сангардак қишлоғида “Обод қишлоқ” давлат дастурига биноан кенг қўламдаги қурилиш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Тиббиёт, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, тўйхона, банк филиали, қишки ва ёзги болалар спорт майдончалари каби қўллаб ижтимоий-маиший объектлар бунёд этилди. Қишлоққа олиб борувчи йўллар капитал таъмирланиб, бир неча йирик кўприклар қурилди.

Яқинда эса “Ўзпахтасаноат” АЖ томонидан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Сангардак чеварлари” корхонаси ишга туширилди. Пировардида тоғолди ҳудудида жойлашган 14 та қишлоқда яшовчи хотин-қизларнинг 600 нафари доимий иш билан таъминланди.

Ушбу йирик лойиҳани амалга ошириш учун 10 миллиард сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Электр энергияси янги тизимда

“Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ҳамда бир қатор соҳага дахлдор корхоналар иштирокда матбуот аянжумани ўтказилди.

Унда Президентимизнинг ўтган йил 23 октябрдаги “Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги қароридида курсатилган масалалар кўриб чиқилди. Мамлакатимиз бўйлаб Жанубий Кореянинг “KT Corporation” компанияси билан ҳамкорликда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)ни босқичма-босқич жорий этиш, вилоятда замона-

вий электр ҳисоблагичларни ўрнатиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Ҳозирги пайтда вилоятда 267 мингга яқин истеъмолчи хонадонни замонавий ҳисоблагичлар билан бепул таъминланган. Уларнинг 152 мингдан зиёди электрон тизимга уланди. Эндиликда электр энергияси истеъмоли, ҳисоб-китоблар, назорат ишлари автоматлаштирилган тартибда олиб борилаётир.

Ўз мухбирларимиз.

► Фахр



Ўзбек боксчилари жаҳонда тенгсиз!

► Мулоҳаза

Бугунги дунё — ахборот дунёси. Ўзгача ҳаёт тарзи, тезкор ва шиддатли вақт оқими қандай ўтаётганини билмай ҳам қоляпмиз. Бундан ўттиз-қирқ йил аввал одамлар ҳаётини газета-журналларсиз, радио ва телевидениесиз тасаввур қила олмасди. Тонг сахардан «Матбуот дўкон»лари олди муштарийлар билан тирбанд бўларди. Ўзимиз-чи, газетада масъул лавозимда ишласак-да, дам олиш кунлари ўша «киоск»га қараб чопардик.

Ахборот майдонида ҳеч қачон бўш ўрин топилмайди ёки соҳадаги плюслар ва минуслар

Энди... Ҳаёт тамоман ўзгарди. «Матбуот дўкон»лари олдида одамларни кўрмайсиз ҳисоби. Бекат ва хиёбонлардаги ўриндиқларда, автобус ва метрорларда газета ўқиётган ёки қўлида газета ва журнал ушлаган инсонни учратмайсиз. Нега? Нима бўлди? Инсонлар ҳаётга бефарқ бўлиб қолдимми? Ёки босма нашрларда одамларни қизиқтирадиган, дунёқарашини, тафаккурини бойитадиган мақолалар чоп этилмаяптими?!

Ахир, ўша йиллар ўзим ҳам газеталарни «Эрталабки маънавий нонушта» деб атаганим. Бу тасаввур балки ўша давр учун тўғридир. Газеталар ўтган асрнинг 80-йиллари охиридаги ҳалқнинг чинакам маслаҳатгўйи, энг яқин дўсти ва ахборот манбаига айланганди. Айниқса, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Тошкент оқшони», «Ёшлик», «Ёш куч», «Шарқ

юлдузи», «Фан ва турмуш» каби нашрларнинг ёш авлод, қолаверса, кенг омма онгини шакллантиришдаги ўрни ўзгача бўлган. Улар мустақилликнинг ҳақиқий жарчилари эди. Уларда тезкор хабарлар, жўшқин репортажлар, ўша замон қаҳрамонлари ҳақида лаҳза ва очерклар, ҳаётдаги муаммоларни қамраб олган танқидий ва таҳлилий мақолалар, фельетонлар бериб бориларди. Босма нашрлар ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олганди. Республикадаги бирорта янгилик ва воқеа эътибордан четда қолмасди. Уларда чоп этилаётган мақолалар ҳамманинг — оддий фуқародан тортиб, энг катта раҳбарларнинг ҳам диққатда эътиборида эди. Танқидга учраган одам ёки ташкилотга осон бўлмасди. Чунки танқидлар таг-заминан, ҳар томонлама асосланган бўларди. Бош муҳаррирдан тортиб оддий

мухбиргача газетачилик масъулиятини чуқур ҳис қилишарди. Айниқса, бош муҳаррирлар газетасида бирор муаммо кўтариб чиқилган мақола чоп этилган бўлса, шу куни тушгача ўзларини кўйрга жой тополмасди.

Айтишларича, ўша даврда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлаган таниқли адиб Одил Ёқубов ишдан кетаётганда: «Мен беш йил оловнинг устида ўтириб ишлаётгандай ҳис қилдим ўзимни», деган экан.

Энди-чи? Газеталаримиз, умуман, матбуот негача бир ахволга тушиб қолди. «Олов» эмас, ҳатто бир чўғдай ҳам нафи бўлмаяптими? Бундай турғунлик, бефарқлик, қарахт ҳолат бир кунда ёки бир йилда пайдо бўлгани йўқ. У ўтган йиллар давомида юзга келди. Аввалдан қотиб қолган ички

цензура ҳукмронлик қилди. Бу ҳолат айрим нуфузли нашрларда ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. «Газета нашр қилинса бўлди», деган фикр таҳририят раҳбарлари миёсига ўрнашиб қолган. Муштарий мурола қиладим, йўқми ҳеч ким қизиқмаётгандек гўё. Газеталарни обуначиларга етказиш тизими издан чиққан.

Аваллари барча марказий нашрлар республиканинг энг узоқ манзилларига ҳам тушгача етказиб берилган бўлса, кейинчалик уларни обуначиларга ҳафталаб кечиктирилган ҳолда олиб бориш ҳолатлари юз бера бошлади. Бундай салбий ҳолатларнинг келиб чиқиши чуқур таҳлил этилмади, таҳририятлар ҳам бефарқ бўлишди. Шу тарзда нашрлар йиллар давомида ўз обрўсини йўқота бориб, жамиятдаги мавқеини энг паст даражага тушириб қўйди.

Айниқса, жорий йилнинг бошига келиб, мамлакатимизда газета ва журналларнинг адади ачинарли ахволга тушди.

Ахборот майдонида ҳеч қачон бўш ўрин топилмайди. Қайси бир ҳудудда ахборот тарқатишда сусткашликка йўл қўйилса, ўша ҳудудни бошқа бир ахборот воситаси эгаллаб олади. Бизда ҳам шундай бўлди. Ахборот тарқатишда сусткашликка йўл қўйган газеталар, ҳатто радио ва телевидениени доғда қолдирган интернет сайтлари, блогерлар пайдо бўлди.

Бугун ҳаммага, бутун жумлаи жаҳонга маълумки, Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатидаги ўзбек боксчиларининг ғалабаси дунёни ҳайратга келтирди.

Боксчиларимиз залворли муштига жаҳоннинг манаман деган чарм кўлқоп усталари ҳам дош беролмади. Спортчиларимизнинг боксдаги мутлақ устунликлари «Рио-2016» ёзги Олимпиада ўйинларидан бўён давом этмоқда. Унгача Куба, Америка, Россия ва Ўзбекистон биринчи рақам учун курашган бўлса, энди бу рақам фақат ўзбек боксчиларига тегишлидир.

Жорий йил 9-21 сентябрь кунлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича 20-жаҳон чемпионатида дунёнинг 78 мамлакатидан 400 га яқин боксчи иштирок этди. Ўзбекистон терма жамоасидан мусобақага 8 нафар чарм кўлқоп усталари қатнашди. Шундан 3 таси олтин, 1 таси кумуш ва 1 таси бронза медаллари соҳиби бўлишди. Умумжамоа ҳисобида жаҳонда биринчи ўринни эгаллашди. Куни кеча Ислам Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида чемпионатнинг фахрига айланган спортчиларимиз мухлислар томонидан муносиб кутиб олинди.

Бундай юксак натижанинг қўлга киритилиши ўз-ўзиндан бўлгани йўқ. Бу мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан спорт соҳасига, хусусан, боксга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик натижаси эканини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан амалиётга жорий этилган беш муҳим ташаббуснинг иккинчи боксчи айнан ёшларнинг спортга жалб этишга қаратилган. Бу саъй-ҳаракатлар дунё ареналарида ўз самарасини бермоқда.

► Бугуннинг гапи

Топганимиз фақат тўйга эмас, илмга ҳам буюрсин



“Тўй (ёшларнинг никоҳ тўйи Х.Ж.) умрда бир марта бўлади. Агарда инсоф чегарасидан чиқмас, зарари йўқ. Қандай тўғри келса, шундай мол сарфламоқ жўмардлик бўлмагани каби, адолатсизлик билан мол тўқмоқдан сақланмоқ ҳам бахиллик эмас... Тўйларда ёлғиз шону шухрат учун сарф қилинадиган бойликни қиз билан йигитнинг истиқболларини таъминлаш учун ёки илму миллат фойдасига сарф қилинса, энг гўзал иш бўлур эди...”
Маърифатпарвар олим Ризоуддин ибн Фахруддиннинг “Оила” номли асаридида битилган ушбу фикрлар бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Фарзандларимизни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни чуқур эгаллаган, мустақкам ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун ҳамиша долзарб масала ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёев.

Оғриқ

Дарҳақиқат, маънавий етук ва jisмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимизнинг бош мақсадига айланди.

Ўсмирлар жиноятга нега қўл уришмоқда?

Шунга қарамай, баъзи ўсмир-ёшлар яратилаётган улкан имкониятлардан фойдаланиб, ўқиб, изланиб комил инсонлар бўлиб етишиш ёки тадбиркорлик билан шуғулланиб, бир ишнинг бошини тутиб, келажақда жамият ҳаётидан муносиб ўрин эгаллаш ўрнига, турли қинғир йўллар билан тезроқ бойлик орттириб, ҳашамда яшашига интилаётганлари, оқибатда, наинки ўзи, балки ота-онаси, яқинлари учун ҳам иснод келтираётганини англаб етмаётган чоғи.

Мисол учун, товламачилик қилиб енгил бойлик орттириш йўлига кириб қолган мана бу ўсмир-ёшларнинг журмача қилиги маҳалла-қўй олдиди оила аъзоларини уятга қўйди. 2019 йилнинг 14 март санасида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмасор туман суди биносида судья М.Юсупов раислигида ўтказилган очик суд мажлисида Илҳом Кенжаев ва Соҳиб Қўзибоев (исми шарифлари ўзгартирилган) иши қўриб чиқилди.

Ўзганинг мулкни фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш илнжиди олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб ҳаракатланган айбланувчилар ўтган йилнинг сентябрь ойида Бердимурод Мансуровнинг Олмасор тумани, Жомий маззесидаги иш жойига келишди. Улар Бердимуроднинг уйнинг ташқи эшиги олдида зина решёткаси ҳамда дастак ясаатиш учун уста қидириб юрганидан хабардор бўлган эдилар. Келиб зинани ўлчаб қўришди, решётка ва дастак учун кетадиган материаллар оғзаки ҳисоб-китоб қилинади. Аввалги материал ва иш ҳақиқа жами тўққиз миллион сўм кераклигини айтишди. Ишни бошлашлари учун эса тўлов тариқасида олдиндан уч миллион сўм беришини ўқтиришди.

Қизик, бировнинг пулини фирибгарлик билан олиб, бамайлихотир сўлим кафеда маишат қилиш, ўзганинг маблағини ўйламай сарфлаш учун одам қай даражада имонини йўқотган бўлиши керак? Наҳотки, уйи-дагиларининг хабари бўлмаган? Ўғиллари ҳар куни кўчадан овқатланса, бунинг устига уйига ширакайф келса, бу ота-онани қизиқтирмаганига хайрон қолсан киши.

Хуллас, орадан кунлар, ҳафталар ўтса ҳамки, "бюртма"дан дарак бўлмайди. Ҳовли зинаси яланғоч тураверди. Бундан хавотирга тушган бюртмачи қўл телефони орқали улар билан боғланганда ишни тугатишга маблаб етмагани, яна икки миллион сўм берса иш битишини айтишди. "Оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади", деган мақол бор. Бердимуроднинг ҳали оғзи куймаган чоғи, сўралган маблағни бериб юборади.

Бердимурод Мансуров ўзининг пулини бетайин усталардан шунчаки ололмаслигини билгач, Олмасор тумани ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига мурожаат қилади. Оқибатда иш

судгача бориб етади. Суд ажримиди маълум бўлишича, Илҳом оилавий темирчилик касби, яъни темир-терсақдан турли буюмлар ясаб, аҳолига сотиб, оила рўзгорини тебратётган ўз акасининг ёнига боради. Узро тил бириктириб, юқориди айтиб ўтилган маблағни ундиришади. Во ажаб, меҳнат ортинда оилавий турмуш кечириб келаётган, ҳеч қандай етишмовчилиги йўқ бу ака-укаларнинг фирибгарлик билан шуғулланишига нима сабаб бўлди экан?... Тўқликка шўхлик, деб шунга айтсалар керак-да...

Бировнинг ҳақи ошқозонда жим турмайди, ўзлаштирилган маблағлар эгасига қайтарилди. Бунинг устига, улар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми "б" бандида кўрсатилган жиноятни содир этганига айбли деб топилди. Эндиликда белгиланган ўқатқанда ишлар, иш ҳақининг 20 фоизини давлат газнасига ўтказиб туришади. Бу ҳам етмагандек, қўни-қўшни, маҳалла-қўй олдиди шарманда бўлишди. Ўтган ҳам, қайтган ҳам қўлини бизгиз қилиб "ана фирибгар", деб кўрсатадиган бўлди.

Афсуски, кейинги пайларда ижтимоий тармоқларда ҳали балоғатга етмаган айрим ёшларнинг енгил-елпи ҳаётга ўрганиб қолаётгани, оила муносабатларига тайёр эмаслиги, бефарқлиги ёки умуман тушунчаси йўқлиги сабаб никоҳсиз фарзанд орттириб олаётгани бот-бот айтимолқода. Ушбу йилнинг февраль ойида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Олмасор туман суди биносида судья Мусо Юсуповнинг раислигида ўтказилган яна бир очик суд мажлисида кўрилган иш ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, десак муболага бўлмайди.

Эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйган, аммо ҳали унинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган балоғат ёшидаги йигит-қизнинг бири онгли, бири эса англамаган ҳолда, гўё келажақда турмуш қуриш баҳонасида, оилавий муносабатларга киришганин ҳар бир онгли одам танасига сингиролмаслиги турган гап.

Четдан кириб келган "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолаётган, айрим ўсмир-ёшларнинг ҳаётига наҳотки гарб урф-одатлари шунчалик сингиб бораётми?! Никоҳсиз оила қуриш нафақат қонунларимизга, балки миллий қадриятларимизга, умуман, муқаддас динимизга ҳам мутлақо ёт бўлган-ку!

Ўйламасдан босилган ноҳўй қадам оқибатида жиноят содир этилди. 1996 йил 27 январда туғилган Одилова Шахло Ихтиёр қизи (исми шарифлари ўзгартирилди) Тошкентга олий таълим муассасасида ўқиш истагида келади. Орадан вақт ўтиб, отасига "Бу йил ўқишга қиролмадим, тикувчилик целида ишлаб тайёрланман", деб телефонда айтади, розилигини олиб, шаҳарда қолади. Шахло ўқишга "тайёргарлик"ни таниши Арслонбекнинг



уйида унинг ҳисобидан яшаши ва хизматини қилиш эъвазига бошлайди.

Эндигина 23 ёшни қарши олган Шахло ишонган одами — Арслонбек Бектимовнинг алдагани, аслида вақтинча кўнгилхушлик учун уни уйда сақлаб турганини билгач, ундан қасд олиш пайига тушади. 2018 йил 19 декабрь куни соат 18:40 ларда, ўзининг вақтинча яшаган уйи, Тошкент шаҳар Олмасор тумани Беруний массивидаги хонадонга яширинча қиради, меҳмонхонадаги гилам тагида сақланаётган, Бектимов Арслонбекка тегишли, 16 800 АҚШ доллари ҳамда меҳмонхонадаги шаф устида турган, 1 670 минг сўмлик, икки дона "ROLEX" русумли эркаклар қўл соатини ўғирлаб воқеа жойидан яширинади.

Бизни ажаблантиргани, хайхотдай уйда бўйга етган, аммо ҳали никоҳдан ўтиб, турмуш кўрмаган ўғил ва қизнинг ёлғиз яшаб келганидан наҳотки маҳалла-қўй, участка нозир хабардор бўлмаган? Ишонгинг келмайди. Зеро, нопоклик йўлини танлаган битта шахсининг қилмиши атрофидаги юзлаб ёшларга таъсир ўтказиши мумкин эканлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Шу уйда қўшилларнинг балоғатга етган болалари ҳам катта бўлаётгандир. Улар нега бефарқ бўлишди?..

Шундай қилиб "Ҳеч ким кўрмади, энди ҳеч ким билмайди", деган ҳаёлга берган Шахло Одилова жиноятга қўл урди. Савол туғилади: агар унинг боқиралигига хиёнат қилинган бўлса, қасд оломқчи экан, нега

дарров судга мурожаат қилмади? Отасини оғохлантирмади?

Ўйламай қилинган иш оқибатида Тошкентда ўқиш, келажақда мутахассис бўлишни орзу қилган Шахло, ўз айби билан, кейинги ҳаётга судланган деган қора тамгани бостириб олди. У Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми "а" банди билан айбдор деб топилди.

Арслонбек Бектимов-чи, унинг тезроқ бойлик орттириш, шохона яшаш илнжиди Тошкентга келиб, машина бозориди чайқовчилик қилиб топган пулини харом-харишга сарфланаётганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Унинг ота-онаси ҳам: "Ўғлимиз ишлапти, пул топапти, энди турмушимиз яхши бўлади", деб севиниб юришган бўлса, не ажаб.

Ахир, келажақда бизга муносиб фарзанд бўлади дея авайлаб ўстирган ота-онанинг орзусини бир лаҳзалик маишатга сотган ўғилнинг қилмиши нонқўрликдан бошқа нарса эмаслиги аён-қу. Энг ёмони, Арслонбек бир оиланинг юзини ерга қаратди. Бу ҳам камдек, ёшгина қизнинг бахтини-тахтини ўғирлади. Унинг келажагини бадном қилди.

Шахлонинг отаси К.Одиловнинг гувоҳлик беришича, аёли вафот этгач, бошқа уйланмади. Болаларини тарбияли, ўқимишли, уйли-жойли қилиш мақсадида кеча-ю-кундуз ишлайди. Уйда кам бўлади. Қизи Шахлонинг Тошкентда ўқийман деганига қаршилиқ қилмайди. Ота судда гувоҳлик берад экан, бошини ерга қадаганича тик тутолмади. Унинг бу кунларни кўрганидан кўрмагани яхши эканлиги юзига тўқилган кўз ёшларидан ҳам билиниб турарди. Не-не орзу-ҳавас билан фарзанд ўстириб, энди вояга етганда хузурини кўриш ўрнига бу аҳволга тушиш ҳеч бир ота-онанинг бошига тушмасин экан...

Шу ўринда айтиш керакки, бугунги техника асрида компьютер-интернет кафелари, уяли алоқа воситалари орқали бузғунчиликни, кўпуровчиликни, фохишобозликни тарғиб қилаётган видеороликлар баъзи ўсмир-ёшларнинг ҳаётини издан чиқармоқда. Айниқса, теледастурларда берилаётган Фарбнинг кўрган кишида шахвоний хирс уй-ғотадиган сериаллари ҳам ёшларни Фарбга тақлид қилишга ундаётгандек...

Юқориди мисолларни келтиришимиздан мақсад, жиноятга жазо муқаррар эканини айтиб, ўсмир-ёшларни қўрқитиш ёки улардаги ҳали очилмаган, яшириниб ётган истъдод қирраларини камситиш эмас, балки қинғир иш қилишга мойиллиги бор айрим ёшларни ўзини, ота-онасини маҳалла-қўй олдиди бадном қилишдан оғохлантириб ўтиш эди.

Яна бир гап: фарзанд тарбияси, айнққса, қиз фарзандларни вояга етказиб, гўзал одоб-ахлоқ ила ҳаётга йўналтириш, аввало, ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Қаердаки, оилада бўшлиқ, эътиборсизлик ва маънавий кемтик сезилса, ўша ерда юқориди каби оғриқли муаммолар қалқиб чиқаверади.

Юсуф ЖўРАЕВ, "Hurriyat" мухбири.

Топганимиз фақат тўйга эмас, илмга ҳам буюрсин

Мантиқан олганда, биз танқид остига олаётган хунук одат, яъни тўйлардаги даб-дабабозлик, исрофгарчиликлар бирданга ёки ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Йиллар оша уни ўзимиз "сайқалладик", меъёридан ошириб ала-лоқибат ўта хунук ҳолатга олиб келдик. Тўқима ва ясама урф-одатларни йўқ жойдан бор қилиб, энди ўзимиз боши берк кўчага кириб қолдик.

Ҳар гал тўй ҳақида гап кетганида, бир дугонанинг тутган йўли ҳаёлимга келаверади. У ўқишни тугатаётган йили ўзи кўнгил қўйган йигитга турмушга чиқди. Тўйни эса ёшлар ота-оналари билан маслаҳатлашган ҳолда ниҳоятда ихчам, камхарж қилиб ўтказишди. Одамлар уларнинг бу қилигини хазм қилишолмаган бўлса-да, ёшлар парво ҳам қилишмади. Тўйдан тежаб қолинган маблағни эса тил ўрганишга сарфлади ва икки ёш магистратурани чет элда ўқиш бахтига муяссар бўлди.

Бир оилани биланам. Ўрта-ҳол. Аммо катта ўғил тадбиркорлик соҳасида бироз ўзини ўнглаб, олгач, босар-тусарини билмай қолишди. "Отанининг қўли калталик қилгани учун ўзимнинг тўйим унча яхши ўтмаган эди. Укамнинг тўйини бир дангиллатиб ўтказай", деди. Ҳақиқатан, ўзи орзу қилгандек Тошкенту Хоразмдан санъаткорлар чакририб, дастурхонни керагидан керак даражада мўл-қўл қилиб укасини уйлантирди. Эссиз, эссиз ўшандаги исрофгарчиликка, увол бўлган егуликларга ниҳоятда ичим ачиди. Оқибат-

ғарбона бачкана одатлар узои билан 2-3 кун шов-шувларга сабаб бўлади, холос. Кун сайин ижтимоий тармоқларда муҳокамаларга сабаб бўлаётган, юртимизнинг турли чеккалариди ҳам санъаткорлар устидан пулларни хазондек сочиб, оёқ остига гиламдек тўшаётган, санашга бармоқ ҳам етмайдиган қўша-қўша машиналарда тўй саёҳати қилаётган "бойвачча"ларнинг қилиги ўзидан бошқага маъкул эмас. Аксинча, бу каби бачканаликлар одамларнинг гашига тегаяпти, ҳаттоки нафратига сабаб бўлаяпти.

Жорий йил 14 сентябрда ўтказилган Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси кенгашларининг қўшма мажлисида айнан шу масалага алоҳида ургу берилди. Сенат раиси Танзила Норбоевнинг кайд этилишича, ўрганишлар тақлили, шунингдек, аҳоли билан бевосита ўтказилган мулоқотлар, жамоатчилик вакилларидан келиб тушган мурожаатлар ушбу соҳада бир қатор жиддий муаммо ва камчиликлар ҳамон сақланиб қолаётганини кўрсатди. Хусусан, айрим фуқаролар дабдабали тўй маросимлари ва уларни ўтказишга сарфланадиган катта харажатлар оқибатида қарзга ботмоқда ва ундан қутулиш мақсадида чет элларга ишлаш учун чиқиб кетмоқда.

Бундай ҳолатларга ҳек қўйиш мақсадида "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш тариқтиб тўғрисида"ги Низом ишлаб чиқилди. Низомга кўра,



да ука акага янада муте бўлиб қолди. Ака ҳар гапида тўйни писанда қилади. Энг ёмони, ўша йигитларнинг отаси уч йилдан буён хаста. "Ишбилармон" ўғил ўз ташвишларини орзу-ҳавасларидан бўшаб, отани тузукроқ шифокорларга кўрсатишга вақт тополмайди.

Пул топиб, ақл топмаган, айрим маънавий савияси паст кимсалар инсоф мезонларини унутиб, ўз бойлигини кўрсатиб қўйиш учун кимўзарга тўйлар ўтказаяпти. Тўйдан-тўйгача турли-туман "маросим"лар ўйлаб топишяётганини сўз билан изоҳлаб бўлмайди. Бундай ҳолатлар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатиб, уларда ҳалол меҳнатга беписанд бўлишга, енгил-елпи ҳаёт кечиршга қизиқиш орттиришга, манманликка берилишига сабаб бўлаяпти.

Тўй-томошалар баҳамжиҳатликда бамаслаҳат ўтказилганда бир умрга хотирада муҳрланади. Аллақандай санъаткорлар, ажабтовур либослар,

оилавий тадбирлар ўтказилишини тартибга солишда ижтимоий адолат ва қонунчилик, миллий урф-одат ва қадриятларга содиқлик, бошқа дин ва миллат вакилларининг урф-одатларини ҳўрмат қилиш ҳамда жамоатчилик фикрини инобатга олиш кўзда тутилди.

Эндиликда миллий анъаналарга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига зид бўлган турли шоуларни, ортикча вақт ва харажат талаб қиладиган оилавий тадбирлардан олдинги, тадбир давомидаги ва ундан кейинги қўшимча расм-русумларни ("келин навқари", "чорлар", "ота кўрди", "сеп ёйди", "қуда чакирди", "куёв чакирди", "келин чакирди", "тоғора юбориш" ва ҳоказоларни) ўтказишга йўл қўйилмайдиган қилмайдиганларга эса тегишли чоралар қўрилади. Бу ҳақда кейинги мақолаларимизда сўз юритамиз.

Ҳидоят ЖўРАЕВА.

Ўзбек боксчилари жаҳонда тенгсиз!

Шаҳобиддин ЗОИРОВ, 20-жаҳон чемпиони

— Барча мусобақанинг ўз нуфузи бўлади. Жаҳон чемпионати эса катта мавқега эга. Жанглр ўта мурасасиз ва қийин кечди. Ҳар бир

жангда юрагимдан Ўзбекистонни ҳис қилиб турдим. Шунингдек, ушбу мусобақада Миразиз Мирзахалилов 3 карра жаҳон чемпиони кубалик Лазаро Алваресни мағлуб этди. Матонатли боксчимиз Баҳодир Жалолов қозогистонлик Камшибек Конка-

баевга имконият қолдирмади. Шундай қилиб мусобақага тикилган 8 та олтин медалнинг 3 тасини Ўзбекистон вакиллари қўлга киритди. Россия, Қозогистон, кубаликлар ортда қолдирилди. Бундан фахрланмай бўладими... Айниқса, Баҳодир Жало-

ловнинг чорак финал баҳсида Амерка Қўшма Штатлари боксчисини чап қўлда берилган бир зарбаси билан нақаутга учратгани бокс мухлисларининг узоқ йиллар ёдидан чиқмайдиган бўлди. Чунки, бундай баҳсларда нақаут ҳолатлари жуда кам учрайди. Алалоқибат, америкалик боксчи шифохонага ётқизилди. Баҳодир жангдан сўнграқбидан хол сўраш учун уни кўргани борди.

— Бразилияда ўтказилган ёзги Олимпиада ва бундан икки йил аввалги жаҳон чемпиоатидаги хатоларимни қайтармасликка ҳаракат қилдим, — дейди Жаҳон чемпиони Баҳодир Жалолов. — 2015 йилда Катарда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам ярим финалгача етиб борганман. Насиб қилса, келаси йил Токио Олимпиадасида ҳам ўзбекистонлик боксчиларининг нималарга қодирлигини намойиш этиб, бокс бўйича биринчи рақамли терма жамоа эканимизни яна исботлаймиз. Жобир ХўЖАКУЛОВ.

► **Ҳамкорлик**

Маълумки, шу йилнинг 30 май куни Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Бош вазирлари даражасида ўтказилган қўшма комиссиянинг биринчи йиғилишида ўзаро келишув қарори имзоланган.

Экспорт салоҳияти — эртамиз пойдевори

Ушбу қарорнинг амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 26 июнида Москва шаҳрида "ЎзРТХБ" АЖ, "Трастбанк" ХАБ ва "Транскапиталбанк" ОАЖ ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. Томонларнинг келишувига мувофиқ пул маблағлари айланмаси эвазига товар айрибошлашда импорт ва экспорт ҳажмини ошириш, ҳар икки мамлакат бозорини танқис товарлар билан бойитиш, энг муҳими, ўзаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 11 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Товар хом ашё биржаси биносида "Экспорт йўналишида тузилган биржа битимлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш"га бағишланган қўшма мажлис бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржаси, "Трастбанк" ҳуқуқий акциядорлик банк, Россия Федерациясида фаолият юритувчи "Транскапиталбанк" очик акциядорлик жамияти, "Санкт-Петербург Халқаро товар хом ашё биржа"си, Россия экспорт маркази ҳамда Татаристон Республикасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси вазирлик ва идоралари вакиллари, россиялик ва ўзбекистонлик тадбиркорлар қатнашди. Тадбир доирасида журналистлар учун брифинг ташкил этилди.

Имзоланган мазкур ҳужжат биржа савдолари орқали амалга ошириладиган ташқи савдо операцияларини ўзаро ҳамфикрлик асосида сўнгги технологиялар ёрдамида тезкор ва сифатли бўлишини таъминлайди. Ўтказилган ҳисоб-китобларни оптимallashtиртиришда банкларнинг қўшимча воситалардан фойдаланиш имконини беради. Транзакция ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнини соддалаштиради.

Ўзбекистонда иқтисодиёт, саноат ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг сифат ва самарадорлигини халқаро стандартлар даражасига тенглаш-

тириш, товар айрибошлашда тенглик устунигини таъминлашда ўзаро ҳамкорлик, чет эл инвестициясини олиб кириш ва мақсадли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакат аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш йўлида ижтимоий юксалиш сари қўйилган одим, албатта, ўзининг ижобий натижасини беради.

Ҳар икки томон учун манфаатли бўлган ўзаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо ҳажмларини кенгайтириш, экспорт қилинадиган товарлар мажмуини ошириш ушбу анжуманининг бош мақсади этиб белгиланди.

Тадбир аввалида "ЎзРТХБ" АЖ бошқаруви раиси Фароҳиддин Ибрагимов меҳмонларга акциядорлик жамиятининг мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожланишида тутган ўрни ва товар айрибошлашда манфаатли алоқаларни амалга оширишда сотиб олувчи ва сотувчи учун қулай шарт-шароитлар яратилишига ўта замонвий технологиялар меҳмуд эканини айтди. Тақдиротда мажмуд биржа фаолияти билан яқиндан таништирилди, ҳар бир савдо платформасининг ўзига хос хусусиятлари ва ташқи савдо майдончаларининг ишлаш механизмлари батафсил кўрсатилди. UZEXнинг видеоролиги намойиш этилди. Шу ўринда, Фароҳиддин Ибрагимов ўзаро битим ҳар икки томон учун қулай ҳамда манфаатли бўладиган ҳамкорликнинг кенг кўламли ривож топишига умид билдирди.

Анжуманда таъкидланганидек, икки мамлакат раҳбарларининг катта эътибори ва қўмағи билан Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги тенг ҳуқуқли дўстона ҳамкорлик барча соҳаларда, шу жумладан, савдо-иқтисодий муносабатлар ҳамда биржалар ва банклар алоқаларда ҳам жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Эришилган келишувлар, авваламбор, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги товар айланмаси ҳажмларини тақомиллаштиришда биржа механизмларидан кенг фойдаланган ҳолда икки мам-



лакатнинг экспортга йўналтириладиган маҳсулотларининг сифатини ошириш ва янги товар айрибошлашда бозорларни ўзлаштиришга қаратилади.

Бугунга келиб "ЎзРТХБ" АЖнинг хорижий мизоҳлари учун "Трастбанк" ХАБнинг "Транскапиталбанк" ОАЖда очилган корреспондентлик ҳисоб-ва-рақалари орқали ҳисоб-китобларни доллар, Евро ва Россия рублида амалга ошириш бўйича ягона механизм ишлаб чиқилган ва жорий этилган.

Елена ШИРИНСКАЯ, "Транскапиталбанк" ОАЖ бошқаруви раиси ўринбосари:

— Мен мамнуният билан айтишим мумкин, бизнинг очик акциядорлик жамияти Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйган. Ҳозиргача Қозғистон тенгеси, Тожикистон сомони ва Қирғизистон сомони Россия рублига ёки уларнинг хоҳишига қараб хориж валютасига айрибошлаш амалга оширилмоқда. Яқин келажақда Ўзбекистон сўмини ҳам конвертация қилиш режамизга киритилган.

Бундан ташқари, Монголияда, Ўрунчидан ҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Афғонистон билан келишув битими бор. Банкнинг имконияти катта. Маълумот учун айтишим мумкин, "Транскапиталбанк" ОАЖ Россия Федерациясининг ТОП-30

банклари рўйхатига киритилган. Жорий активлар — 4 миллиард АҚШ доллари, капитал — 330 миллион АҚШ долларидан иборат.

"Транскапиталбанк" ОАЖнинг асосий йўналишлари кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш, ипотека кредитлари (ҳар икки йўналишида Россия Федерацияси банкларининг ТОП-15лигига киритилган) ҳамда ЕОИИ/МДХ/ШХТ молиявий институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Умуман олганда, 2019 йилнинг саккиз ойи мобайнида "ЎзРТХБ" АЖда

► **Тадбир**

"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ биносида "Ҳар бир оила — тадбиркор" давлат дастури доирасида "Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошириладиган ишлар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли ташкилот ва корхоналар вакиллари, микрокредит олган фермер хўжалиги ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Микрокредит самараси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида "Қишлоқ қурилиш банк" тизимида "Оилавий тадбиркорлик"ни ривожлантириш бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги филиалларида тадбиркорликни кредитлаш бўлими ташкил этилди. Шунинг билан мамнуният билан айтиш мумкин, банк амалиётга эга, ўз ишнинг билимдонлари ушбу бўлимларга тайинланди.

— Банкнинг томонидан аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди. Микрокредитларни расмийлаштириш тартиблари ҳақида керакли маълумотлар берилди, — деди "Қишлоқ қурилиш банк" бошқарма бошлиғи Миразиз Эгамбердиев.

— Келажақда қўзланган мақсадларни амалга оширишда аҳолига тушунарли бўлиши учун махсус буклетлар тайёрланди. Буклетлар республикамизнинг барча худудларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари

орқали хонадонларга етказилди.

Ушбу йилнинг саккиз ойи ҳолатига кўра, банк томонидан тадбиркорлик қилиш истагини билдирган 18 400 нафар фуқароларга 366 млрд. сўм микрокредитлар ажратилган. Берилган кредитлар, асосан, насли қорамол, қўйчилик, қўёнчилик, асаларичилик, паррандачилик, балиқчилик, тикувчилик, хунармандлик, қандолатчилик, иссиқхоналарни ривожлантиришда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун йўналтирилган.

— Мен Аҳмаджон Собиров, Қорақалпоғистон Республикаси Беҳруний туманида истикомат қилман. Таъминотчи сифатида Қозғистон ва бошқа давлатлардан зотдор моллар олиб келиб, аҳолига тарқатаман. "Қишлоқ қурилиш банк" АТБдан 2 млрд. сўм микрокредит кредит олгандим. Ҳозирги кунда чорва келтириш тизими фаолиятини йўлга қўйдик. Банк билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш истагимдан, — дея илиқ фикр билдирди.

Наргиза БОБОМУРОВА,
"Hurriyat" мухбири.

► **Ҳуқуқ**

Ҳар бир жамиятнинг маданий ва маънавий даражаси аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади. Дарҳақиқат, аёлга бўлган муносабат, эътибор ҳар бир халқ, миллатнинг қай даражада улуғлигини кўрсатувчи омиллардандир.

Мамлакатимизда аёлга муносабат тубдан янгиланиш касб этди. Уларни ички ва ташқи таъжовулардан асраш, конституциявий ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат эътиборидаги масалага айланди.

Табиат гултожи — аёлни асранг!

Афсуски, уруш олови ёниб турган ўлкаларда мутаассиблик либосини кийган аёллар тўғрисида, яъни турли ижтимоий тармоқлардаги "қармоқ"ларга илиниб, жиҳод қилаётган жангари эркакларга ўзини бағишлаган аёллар ҳақидаги хабарларни ҳам ўқи турибмиз.

Аёлларнинг ушбу муҳдиш оламга кириб қолиши моддий қийинчилик, оиладаги етишмовчилик, аламзадалик, ишсизлик, диний ва дунёвий билимларнинг етарли даражада эмаслигига боғланмоқда. Аммо ўз юрти, ўз уйида яшаб туриб ҳам таъзиққа учраётган аёллар борлиги ҳар қандай соғлом фикрли одамни ўйлашга мажбур этади.

Мисол учун, Фарғона вилоятида ҳомилдор аёл эрининг навбатдаги зўравонлигидан қочиб, учинчи қаватдаги уйи даразасидан ўзини ташлагани ҳақидаги хабар айрим интернет сайтларида эълон қилинди. Ҳолбуки, Ислам таълимотида инсонга берилган жон Яратганнинг энг буюк неъматини экани уқтирилади. Болалиғида отаси чет элга пул топиш учун, онаси эса ўз вазифасини адо этишдан воз

кечиб, уйдан чиқиб кетган, оқибатда амакисининг қўлида қолган И. исмли қизнинг аччиқ қисмати ҳам ижтимоий тармоқларда тарқалиб, кўпчиликини изтиробга солди. Бундай мисоллар афсуски, оз эмас. Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг январь ойи давомида қуртимизда 1,5 мингдан ортиқ аёл зўравонликдан жабр кўрган.

Ўтган йили мамлакатимизда хотин-қизлар қўммукасининг виллоятлардаги бўлимлари қошида зўравонликлардан жабрланган аёллар учун 130 дан зиёд реал-билитация марказлари (шелтерлар) очилди. Ушбу марказлар давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 июлдаги тегишли қарорига мувофиқ ташкил этилди.

Марказлар фаолияти ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атворни ҳамда жамиятдаги ва оиладаги маънавий-ахлоқий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа ҳолатларни кўзғатувчи низолар, депрессив вазиятларни эрта аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўришга мўлжалланган. Бу ерга мурожаат қилган аёлларга малакали мутахассислар, психолог, юрист



томонидан зарур ёрдамлар кўрсатилади.

Бугунги кунга келиб республикамиз бўйича марказлар сонини 165 тага етди. Бу ўз уйида беғонадек, хорлик, таҳқирлаш азобларига дучор қилинаётган хотин-қизлар тақдирига бефарқ

бўлмаган давлатимизнинг ғам-хўрлиги намунасидир.

Жорий йилнинг 2 сентябрида "Хотин-қизларни таъзиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида", "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги икки қонун қабул қилинди. Ушбу қонунлар аёлларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ишларни тартибга солиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асосдир...

— Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 22 июнида бўлиб ўтган Олий Маж-

эдилар, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Абдуллажон Ҳамроқулов. — Хусусан, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланаётгани қайд этилиб, яқин вақт ичида иккита янги қонунни қабул қилиш ҳақида маълум қилинган. Шунингдек, бугунги кундаги ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидан янги тузилма — Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита тузиш тақлифи билдирилган эди.

Жаҳон таърибасини олиб қараганда, эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлиги 143 давлатнинг конституциясида кўрсатилган, 52 мамлакатда эса эълон қилинмаган. Шунга қарамай, бирорта давлатда гендер тенглиги тўла эришилмаган. Аниқроғи, барча мамлакатлар учун модуль бўладиган қонун яратилмаган эди. Албатта, мазкур қонунларни қабул қилишга сабаб бўлган бошқа омиллар ҳам бор. Ўтган йилги маълумотларга қараганда, турли жинсий ҳаракатлар туфайли 932 нафар аёл жабр кўрган. Шундан 215 нафари жинсий эркинликка, 169 нафари ҳаётга ва 366 нафари соғлиққа қарши қаратилган, 182 нафари эса бошқа жинсий ҳаракатлар туфайли таъзиққа учраган. Булар рўйхатга олинганлари. Ҳали рўйхатга тушмай қолганлар ҳам бўлиши мумкин.

Энди қонунчилик соҳасига назар ташлайтик. Хотин-қизларга оид ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлган ўттиздан ортиқ қонун бор, аммо тарқоқ ҳолда эди. Уларнинг ижроси, назорати ҳам шунга яраша тўқис

Юсуф ХУДОЙҚУЛОВ.

Холида ФАЙЗИЕВА,
"Hurriyat" мухбири.

“Hurriyat” сўровномаси

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул ҚУШЕРБАЕВга “Hurriyat” газетаси бир неча саволлар билан мувожаат қилди. Қуйида ушбу савол-жавоблар билан танишинг.

1. Сизнинг нафақат халқ ноиб — депутати, балки оддий бир инсон, газетхон сифатидаги фикрларингизни билмоқчи эдик: бугунги газета ва журналлардан нечоғлик кўнглингиз тўлаяпти?

2. Босма ОАВлари фаолиятини янада жонлантириш учун сизнингча нима-лар монелик қиляпти?

3. Бугунги кунда блогер деган тушунча ҳам пайдо бўлди. Хуқуқий жиҳатдан блогерни журналист деб аташ тўғрими? Қонунчилигимизда блогернинг ваколатлари қай даражада белгиланган?

4. Яхши билсангиз керак, босма нашрлар учун обун масаласи жуда муҳим, айтиш мумкинки, “ҳаёт-мамонт” масаласидир. Демократизми, матбуот мутолааси ҳам китобхонлик сингари қўллаб-қувватланиши керак эмасми?



бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари билан боғлиқлиги бўлмаса, журналист ҳисобланмайди.

Айтмоқчиманки, блогер ОАВда қонуний фаолият юритмаса, журналист сифатида журналистик суриштирув ва журналистик фаолиятга дахлдор бошқа ҳуқуқларга ҳам эга эмас. Буни кенг жамоатчилигимиз яхши тушуниб олиши керак.

4. — Қўллаб-қувватланиши шарт. Бироқ қўллаб-қувватлаш фақат обун орқали бўлмаслиги лозим. Обун нашрнинг мустақиллиги, фойдаси ҳам зарари ҳам ўзиникидир.

Менимча, давлат томонидан давлат аҳамиятига молик ва зарур деб ҳисобланган, асосий мақсади тижорат бўлмаган босма нашрларнинг реестри юритилиб, уларни турли кўринишларда қўллаб-қувватлаш тизимига ўтилса яхши бўлар эди. Бунда қўллаб-қувватлаш доирасига тушадиган нашрларга бўладиган талаблар очик ва ҳамма нашрлар учун тенг шартли бўлиши керак. Масалан, бўлган ушбу мўлжалланган бадиий ёки маънавий-маърифий, ҳуқуқий масалаларни ёритишга мослашган ва давлат томонидан белгиланган мавзу, йўналишларни устувор вазифа сифатида белгиланган нашрларга бундай имкониятлар яратилса, мақсадга молик бўлур эди.

Ўз мухбиримиз ёзиб олди.

“Блогерни журналист деб бўлмайти”

1. — Босма матбуотда ҳам танқидий-таҳлилий мақолалар кўпайиб, анча жонланиб қолганини кузатиб бораёяман. Бу ижобий ўзгариш албатта. Бироқ Интернет оммавий ахборот воситалари асосий ахборот тарқатувчи воситаси сифатида миллий ахборот маконида ўрин эгаллаб бораётган бир шароитда бу ҳаракатлар ўқувчилар эътиборини қанчалик тартибга солиштириш керак, савол ўйлангандир. Балки бундай жонланган ахборот воситалари асосий ахборот тарқатувчи воситаси сифатида бундан кўп доимий ўқувчиларига эга бўлиб, бугун дуч келиб турган иқтисодий қийинчиликларни бемалол енгиб ўтган бўлармики. Билмадим, аммо факт шундаки, бугун асосий омма ахборотни босма нашрлардан кам оляпти.

2. — Фикримча, босма нашрлар асосий эътиборни бошқа турдаги ахборот воситаларида қисқа-қисқа сатрларда кетаётган ахборотларни таҳлил қилиб, унинг ижобий ва салбий ёки бизнинг шароитдаги манфаатларимизга мос жиҳатларини очиб беришга қаратилган таҳлилий

чиқишларни кўпайтириш устида ишласа, инсон руҳияти ва онгига таъсир қилувчи воқеликларни чуқур очиб беришга янада кўпроқ урғу қаратса, одамлар босма нашрларнинг алоҳида афзалликларини аниқроқ ажратиш олишган бўлар эди.

Шунингдек, яна бир муҳим масала шундаки, бугун истеъмолчи, яъни ўқувчи ўзи мустақил танлов орқали қайси нашрни ўқишни ўзи белгилашга ўтаётган. Шу боис, ўқувчи талабига мос равишда унинг психологиясини чуқур ўрганган ҳолда ҳар бир босма нашр ўзининг аудиториясини қайта кўриб чиқиб, уни иқтисодий манфаат нуктаи назаридан аниқ белгилаб олиши лозим. Маънавий, таълим-тарбия каби масалаларда асосий масъул давлат органлари эса фақатгина муассис сифатида эмас, босма нашр билан заруратга қараб ижтимоий шериқлик асосида ҳамкорликда ишлаши мақсадга мувофиқ.

Очигини айтганда, вазирлик ва идоралар муассислигида қандайдир нашрнинг бўлиши, бундай муассисга нисбатан нашрнинг ҳолиси, ҳақиқатини ёздайиқ, керак бўлса очик танқид қиладиган мустақил ОАВ эканлигига шубҳа туғди-

ради. ОАВ эркинлигини таъминлаш нуктаи назаридан давлат идораларининг ОАВ таъсис этиш амалиётини илоҳи борича ўйлаб кўриш керак. Агар идораларга ўз фаолиятини кенгроқ ёритиб бориш керак бўлса, бу алоҳида нашр эмас ахборотнома кўринишида бўлган мақсадга мувофиқ назаринда.

Босма нашрларнинг бош муҳаррирлари ҳам ўзлари раҳбарлик қиладиган таҳририят штатларида фақатгина журналистлар эмас, балки психолог, социолог, тарихчи, сиёсатчи, иқтисодчи каби соҳаларнинг яхши мутахассислари бўлиши кераклигини тушунишлари лозим. Нашр аудиториясини билан ишлаш ва доимий равишда унинг диққат марказида бўлишда бу муҳим аҳамиятга эга.

3. — Блогерни журналист деб бўлмайти. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунда блогер ким эканлиги аниқ келтирилган, яъни блогер — Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтига ва (ёки) веб-сайт саҳифасига ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа хусуси-

ятга эга ахборотни жойлаштирувчи, шу жумладан ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ушбу ахборотни муҳофиза қилиш учун жойлаштирувчи жисмоний шахс ҳисобланади.

Эътибор қилинса блогерлик фаолияти, албатта, Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан боғлиқ. Уларнинг ахборот тарқатиш ёки маълум масалалар бўйича ўз шахсий позициясини билдириш нуктаи назаридан ижтимоий фаол фуқаролар сифатида кўрсак ҳам бўлади.

“Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга кўра эса, журналист меҳнатга оид ёки бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари учун хабарлар ва материалларни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ҳамда тарқатишга доир фаолиятни амалга оширувчи шахсдир.

Ушбу қонун асосида журналистик фаолият профессионал фаолият ҳисобланган, унга ўз мақомига кўра фаолиятини кафолатлашга оид алоҳида ҳуқуқ ва ваколатлар белгиланган. Журналист бир вақтнинг ўзида фуқаролик ҳуқуқлари асосида блогер ҳам қилиши мумкин. Бироқ блогер агар меҳнатга оид ёки

Ахборот майдонида ҳеч қачон бўш ўрин топилмайди

ёки соҳадаги плюус ва минуслар

Улар ахборот оламини шундай яшин тезлигида эгаллаб олдики, бир зумда ҳаммининг назарини ўзларига жалб қилишди.

Аваллига кўпчилик (жумладан, ўзим ҳам Ж.Р.) блогерларнинг фаолиятига қизиқмадим. Уларни “ўйинқароқ болалар-да”, бироқ вақт ўтгач, қуйилиб қолишди, деб ўйладим. Лекин улар “қуйилиб” қолишмади. Ахборот майдонида беҳуда чиқишмаганини амалда исботлаб бошлашди. Қотиб қолган раҳбарларнинг бошқарув иш услубларини, ноқонуний ҳаракатларини, мансабдор шахсларнинг маънавий қиёфасини, эскича ишлаб бўлмаслигини ошқорлаш бундан бошлашди. Блогерлар (ҳаммаси ҳам эмас Ж.Р.) давлатимиз раҳбарининг жамият бошқарувидаги дадил ислохотларига, қарор фармонларига биринчилар қаторида “лаббай” деб жавоб беришди.

Ҳозир уларнинг чиқишларини интернет тармоқлари орқали мунтазам кузатиб бораёяман. Хайратим ошмоқда. Хато-камчиликлари, шовма-шошарликлари кўп, аммо ҳаракатлари дадил, ўзига хос. “Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари”нинг байрам кунинда бир гуруҳ блогерларнинг ҳам давлат мукофотлари билан тақдирланиши эса кўпчиликнинг уларга бўлган қарашини ўзгартирди.

Таниқли журналист ва олим Бегун Алимовнинг қуйидаги сўзлари фикримни тасдиқлади: “Блогер, ҳололинг бўлсин! Блогерни “тез ёрдам” машинасига менга займан. Журналист эса дипломли жарроҳ. Тан оламан профессионал журналист сифатида, аввалига уларни жиним суймаган. Лекин кейинчалик фикрим ўзгарди. Чун-

ки улар жамиятга кераклигини исботлашди.”

Ҳўш, блогер ким? Улар ҳақида маълумот олиш учун ўзимизда нашр қилинган “Ўзбекистон энциклопедия”сини, луғатларни ва бошқа китобларни варақладим. Афсуски, ҳеч нима топа олмадим. Ахир, яна интернетга мувожаат қилишимга тўғри келди. У ерда қуйидаги таърифларни ўқидим: “Блог” сўзи инглизча бўлиб, у воқеа-ҳодисаларни қайд этувчи интернет-журнал, интернет-қўндалик, онлайн-қўндалик каби веб сайтларни англатар экан.

Блог термини илк бор Йорнон Баргер томонидан 1997 йил 17 декабрда тилга олинган. Аммо уни Питер Мерхольц 1999 йилнинг баҳорида «Peterme.com» блогига ҳазил аралаш амалда қўллаган. Эван Уильямс эса «Pura labs» сайтида «Блогер» терминини ишлата бошлаган. Айнан «Pura labs»да «Blogger.com» дунёга келган.

Блогерлар ҳақида кўп ва хўп гапир-иш мумкин. Лекин улар ва уларнинг ишлари матбуотнинг, оммавий ахборот воситаларининг ўрнини боса оладими?! Бу борада жаҳон ОАВ мутахассислари ўртасида ҳали ҳам бир фикрга келинган йўқ. Бахс-мунозаралар давом этмоқда. Лекин бахс-мунозаралар ўз йўлига, бизда улар аллақачон қисман ўз йўналишини эгаллаб бўлишди.

Соҳада тажриба тўлаган бир журналист сифатида блогерларнинг фаолиятини кўриб, таҳлил қилиб, қуйидаги фикрларни билдирмоқчиман.

Биринчидан, блогер у-бу воқеа ва ҳодисани видеога олиб ёки оддий сўзлар билан ёзиб кенг оммага тарқатадиган шахс, у мутахассис эмас. Блогер мукамал операторлик маҳор-

ратига эга бўлиши, бўлар-бўлмас тасвирларни видеога туширавермаслиги, оддий ҳаётнинг этикага риоя қилиши керак. Айтилаётган ёки ёзилаётган ҳар бир сўз, жумла учун жавобгарлигини ҳис қилиши лозим. Шовма-шошарлик, бетгаочпарлик, бирёқламлик, ноқонуний ҳаракатлар блогерларни ҳалокатга олиб келади. Улар ахборот тарқатиш нақадар масъулиятли вазифа эканини, ижодий ишлигини ҳис қилишлари лозим.

Иккинчидан, блогерлар видеога олиш, суратга тушириш, замонавий дизайн асосида безаш, маҳоратли ёза олиш қобилиятига ҳам эга бўлишлари керак. Бунинг учун маълум даражада тажриба, билим даркор. Шу мақсадда энг кўзга кўринган блогерлардан иборат «Маҳорат мактаби» ташкил этилса, мақсадга молик бўлар эди.

Учинчидан, блогерлар мутахассис бўлишлари учун, менимча, журналистика мактабида, албатта, ўқишлари керак. Ахборот оламида қонун-қоидаларсиз, журналистика жанрларини билмасдан, фақат видеога олиш ёки овозини ёзиб олиш билан иш битириб бўлмайди. Улар учун Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида бўлимлар очиб зарурмикан? Ўйлаб кўрилса, яхши бўлар эди.

Блогерларнинг воқеа-ҳодисага ўзбошимчилик билан аралашуви, манманликка берилиши салбий жараёнлардир. Қуйидаги мисолларга эътибор беринг: самарқандлик 33 ёшли блогер Отабек Жўраев 250 млн. сўмга алданган жараёнида муаммоларини ёритиш аҳлининг жиноятчи томонидан болта билан жароҳатланган. Бир ўсимир блогер юриб келаётган поезд йўлига

ётиб олиб, автоматик видео ёзувни амалга оширган. Бу гирт саводсизлик ва маънан калтабинлик эмасми? Қолаверса, блогер дегани, минг бир уэр, “ювилмаган қошиқ каби” ўзини керак ноқерак жойга уравергани билан, “Американи кашф қилолмайди”. Чунки у аллақачон кашф қилинган. Шунингдек, одамларни ҳайратлантираман деб ҳеч бир инсоннинг ўзини ва бошқаларни ёмон йўлга бошлашга ҳаққи йўқ. Айнан ўзини блогер ҳисоблаётганларнинг кўпчилиги эса ўсимирлар ва ҳаётий тажрибаси кам ёшлардир.

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан йўллаган табригида алоҳида таъкидлаган қуйидаги сўзларини эсдан чиқармаслигимиз керак: «Айни вақтда барчамиз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз зарур: ахборот майдонидидаги турли бахс ва тортишувлар, аввало, ҳаққонийлик ва ҳолислик тамойилларига асосланиши, қонун ва одоб қоидалари доирасида бўлиши, шахсий гараз ва хусуматга, сохта обрў орттириш усулига айлиниб кетмаслиги, инсон шахси ва шаънини таҳрирлашдан йироқ бўлиши, бундай салбий ҳолатларга бизнинг медиа майдонимизда мутлақо ўрин бўлмаслиги керак».

Қолаверса, блогерлар фаолияти фақат камчиликларни ёритишдан иборат бўлмаслиги лозим. Чунки биз бир осмон остида ва бир заминда яшаймиз. Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида ҳолис хизматдаимиз. Ва яна қуйидаги сўзларни алоҳида таъкидлагим келди:

Албатта, фаолиятнинг тўғри йўлда бўлиши муваффақият қалити. Халқ доимо аниқликларни, хушхабарларни соғиниб кутади. Ҳаёт фақат шов-шувли, муаммоли воқеа-ҳодисалардан иборат эмас. Ватан қиёфаси ўзгармоқда, мамлакат янгилашмоқда, халқ ўз танлаган йўлидан дадил бормоқда. Буни унуттишга, ҳисобга олмасликка эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Мутолаа

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ижод мактаблари адабиёт ва маънавий оламида катта воқеа ва тарихий ҳодиса бўлди. Истеъдодли шоир Файрат Мажиднинг “Бунда булбул китоб ўқийди” номли тўплами Ижод мактабларига номлари берилган — Исҳоқхон Тўра Иброт, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф каби машҳур ижодкорлар ҳақида ёзилган.



Асл адабиёт — ҳаёт мактаби

Китоб меҳр ва завқ билан ўқилади. Қайси бир ижодкор ҳақида ёзмасин, муаллифнинг устозларга бўлган ҳароратли меҳр-муҳаббати ҳар бир сатрда уфуриб, нурланиб туради.

Китоб ижод мактабларининг очилганлиги ва фаолияти ҳақида шунчаки ахборот бериш ёки газетачилар ибораси билан айтганда “отклик” учун ёзилмаган. Аксинча, устозлар ижодларини жиддий ўқиб-ўрганиш, мактабларнинг қизгин фаолиятлари билан ақиндан танишиш, ўқув жараёнларида иштирок этиш китобнинг мазмун-моҳиятини янада бойитган.

Атоқли ва фидойи маърифатпарвар Исҳоқхон Тўра Иброт ёдгорлик мажмуаси Тўрақўрғон тумани марказида бунёд этилди. Мамлакатимиз раҳбари 2018 йил 2-3 май кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида ушбу мажмуани бориб кўрди. Бу ерда таълим олаётган ёшлар билан мулоқотда бўлиб, уларга улкан омадлар тилади.

Мактаб-интернатда 160 ўринли ўқув биноси, 140 ўринли тил маркази, 100 ўринли ётоқхона мавжуд бўлиб, асосан 7 та тил: инглиз, немис, француз, рус, араб, корейс, хитой тиллари ўргатилади. Шунингдек, мактабда “Еш таржимон”, “Гид-экскурсовод”, “Хатотлик санъати”, “Лирик лаҳзалар”, “Нотиклик санъати ва сахна маҳорати” каби тўғарақлар фаолият олиб бормоқда.

Иброт домла дастлаб тарихчи олим сифатида “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Меъзон ул-замон” асарларини маҳорат билан ёзди. Бу китоблар ўз-ўзидан дунёга келган эмас. Ибротнинг узоқ изланишлари, дунё ва айниқса, Шарқ тарихини пухта ўқиб, ўрганганлиги самарасидир. Шунингдек, унинг “Луғати сита ал-сина” (“Опти тилилу луғат”), “Жомеъ ул-хутут” (“Ёзувлар мажмуаси”) асарлари ҳануз тилшунослигимиз учун қизиқарли ва фойдали манбалардан ҳисобланади. Иброт домлангига яна бир ибратли фаолияти: 1908 йил Оренбургдан литография хизматлари, усқунлар тўпламини олиб келади ва “Матбаа Исҳоқия” босмаҳонасига асос солади. Шунингдек, “Туркистон вилояти газети”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона” матбуот нашрларида мунтазам асарлари, мақолалари босилиб турган. Ўзи ёзган шеърларни жамлаб, уни “Девони Иброт” деб атаган.

Миллатни дунёнинг илгор халқлари сафида кўришни истаган маърифатпарвар Исҳоқхон Тўра Иброт охири-оқибат қатагон қурбонига айланди. Мустақиллик тўғрисида бу улғур зотнинг муборак номи тик-

ланди. Унинг номидаги мактаб эса ана шу ҳақиқатнинг ёрқин намунасидир...

Президентимизнинг 2017 йил 27 апрелда Жиззах вилоятига қилган ташрифи чоғида берган тақлифлари асосида машҳур ижодкорлар Ҳамид Олимжон ва Зулфия адабий меросини кенг тарғиб қилиш ва чуқур ўрганиш, ёшларни уларнинг умрбоқий асарлари билан таништириш мақсадида Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳибони, улар номи билан аталувчи мактаб-интернат ташкил этилди. Она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган ушбу ижод мактабида ёш истеъдодлар адабиёт сирларини катта қизиқиб билан ўрганмоқдалар.

Китобдан ўрин олган “Ҳамид Олимжон мўъжизаси”, “Сени қуйлайман, ҳаёт!” мақолаларида муаллиф Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижоди, уларнинг гўзал ва бетакор шеърлари ҳақида ибратли фикр-мулоҳазаларни ёзган. Шу ўринда китоб муаллифи Ҳамид Олимжон ижодини кўп биладими ёки Зулфия ижодини, деган саволга жавоб тополмай қийналасиз. Файрат Мажид ҳар икки устоз ижодларини нафақат ижодкор, балки адабиётшунос каби ҳам чуқур таҳлил қилган.

Ўзбекистон Қоҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов ижод мактаби эса қорақалпоғистонликларнинг маънавий-маърифий ва адабий ҳаётида катта воқеа бўлди. Президентимиз тақлифи билан Нукус шаҳрида бунёд этилган, қорақалпоқ тили ва адабиёти фанини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат 216 нафар ўқувчига мўлжалланган бўлиб, ҳозир бу мактабда 280 нафар ўқувчи билим олаётган. Уларга 34 нафар нуфузли устозлар таълим бераёпти. Китоб муаллифи “Сахро бўлбулининг наволари” мақоласида Ибройим Юсуповнинг ижод олами ҳақида меҳр билан ёзган. Мақола шоирнинг халқ қалбидан жой олган “Эсар Жайхун шамоллари” шеъри билан бошлангани ва бу шеърни машҳур санъаткор Отажон Худойшукоровнинг юксак маҳорат билан ижро этгани эътироф этилган. Менга қолса, ушбу шеър ва қўшиқни буюк Амударё ҳақидаги мадҳия, дегим келади. Биргина ушбу шеърда Ибройим Юсуповнинг юрагидаги Ватанини кўриш мумкин. Айни пайтда Отажон Худойшукоровнинг Амудай кенг ва бепоён қалби, бетакор ижроси намоён бўлади. Бу қўшиқ икки истеъдод — яратган тенгсиз мўъжиза.



Асл адабиёт — ҳаёт мактаби

Мақолада шоирнинг бир шеърдан шундай ноёб мисралар келтирилган:

*Бир ёним сув,
бир ёним чўл бўлмаса,
Жаннат қуриб берсанг-да
мен бормайман.
Гул ҳам яшан исси
анқиб турмаса,
У ерда мен
қорақалпоқ бўлмайман.*

Бу ўтли мисраларда халқ табиати, характери, турмуш тарзининг бетакрор манзаралари чизилган. Хуллас, Ибройим Юсуповнинг ҳар бир шеърда, асарларида Қорақалпоғистон ва қорақалпоқ миллати қувонч дардлари уфуриб туради.

Ғайрат Маждиднинг Ўзбекистон Қаҳрамонлари, халқ шоирлари, буюк устозларимиз — Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов ҳақида ҳақиқий шогирдлик меҳр-муҳаббати билан ёзганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Президентимизнинг таклифи ва кўрсатмаси билан Марғилон шаҳрида Эркин Воҳидов номидаги ижтимоий фанлар йўналишидаги истеъдодли ёшлар мактаб-интернати, Қарши шаҳрида Абдулла Орипов номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилди. Муаллиф "Яна бир муҳташам мактаб сабоқлари" мақоласида устоз Эркин Воҳидовнинг куйидаги доно фикрларини келтиради: "Яхши ният билан қўлга

қалам олдим. Кўрганларим сиз ёшларга ибрат бўлсин, мен қоқилган тошларга сиз қоқилманг, дейман. Биз бош урган баланд деворларни, биз тўрт букчилик кирган паст эшикларни сиз кўрманг. Ўзга олам, ўзга даврон, овоз ва обод Ватан сизники. Йўлингиз ойдин бўлсин".

"Муҳтарам устозим — дорилфунуним" мақоласида устоз Абдулла Ориповнинг ушбу сабоқларини ёзган: "Абдулла ака ҳар доим: — Мен умр бўйи шу она халқим, шу она Ватаним деб яшадим, ўзимни, тақдиримни бир лаҳза бўлсин ундан айро тасаввур этмаганман, — деб айтарди."

Ҳали қанча-қанча авлодлар Навоий, Бобур, Бердак, Қодирий, Чўлпон, Ҳамид Олимжондан сабоқ олганлари каби Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ёбодий меросидан ҳам бежод сабоқлар олишига ишонамиз.

Китоб саҳифаларида икки улуғ инсон, икки улуғ шоир ҳақидаги мақолаларни қизиқиш билан ўқирканман, беихтиёр 2016 йилнинг бошлангишида бўлган бир унутилмас воқеа ёдимга тушди. Ушунда "Ўзбекистон" НМИУда ишлар эдим. Абдулла Ориповнинг Америкада даволашиш даврида ёзган "Эверест ва уммон" шеърлар китобини, "То қувш сочгайки нур". Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди за-

мондошлари нигоҳида" деб номланган китобни чоп этишга тайёрлаб, босмаҳонага туширган эдик. Уша пайтда катта ҳаётдан бир четга суриб қўйилган икки устозни янги йил кунлари хурсанд қилайлик деб, ҳар бирларининг китобларидан икки донадан чиқариб, нашриётга келган шоир укам Ғайрат Маждид билан дастлаб Абдулла Ориповнинг уйларига бориб янги китобининг илк нусхаларини топшириб, дуоларини олдик. Устоз китобларни қўлларига олиб, беихтиёр хурсанд бўлдилар. Сўнг ҳукуматнинг 1-стационар шифохонасида даволанаётган Эркин Воҳидовни зиёрат қилиб, у кишига ҳам янги китобни топширдик.

Эркин аканинг худди боладек севиниб кетганлари ҳамон кўз олдимда. Палатада ўғиллари Хуршидҷон ҳам бор экан. Гўё устоз шу лаҳзадаёқ соғайиб кетгандек эди... Шу кунни икки улуғ адибнинг дуоларини олдик. Бу ноёб дуоларни гавҳардек қалбларимизда асраб келяпмиз. Илоё, ана шу буюк зотларнинг охиратлари обод бўлсин!

2017 йил 2 июнда Президентимизнинг Андихон вилоятига ташириш чоғида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижод мактабини ташкил этиш ҳақидаги таклифи амалга ошди. Китобдан ўрин олган "Андихон то-

монларда...", "Меҳр қолур, муҳаббат қолур" мақолаларида Муҳаммад Юсуф ва унинг номи билан аталаётган ижод мактаби фаолияти ҳақида ҳам батафсил ҳикоя қилинади. Муаллиф шоирга шундай баҳо беради: "Муҳаммад Юсуф чин маънода Ватан, халқ ва истиқлол куйчисидир".

Муаллиф китоб сўнггида шундай хулосага келади: "Хизмат сафари билан мен барча ижод мактабларида бўлдим. У ерда таълим олаётган ёшлар билан суҳбатлашдим. Устоз-ўқитувчилар билан биргаликда маҳорат сабоқлари ўтдик. Шу сафарлар давомида мени хайратлантирган, қалбимга умид бера олган жуда кўп истеъдодли ижодкор ёшларни кўрдим. Тан олиб айтишим керак, ижод мактаблари қандай улуғ гоё меваси эканлигини янаям тегингизим."

Китоб сўнггида ижод мактабларида таълим олаётган ўқувчиларнинг ижодларидан намуналар берилган унинг мазмунини янада бойитган.

Ғайратжон! Китобингизни маза қилиб ўқидим. Табриклиман. Китобни устозларга бўлган ҳеҳисиз ҳурмат, катта қалб, самимий ҳарорат билан ёзибсиз. Улуғ зотларнинг руҳларини шод қилибсиз. Ёзиш жараёнида танлаган услубингиз ҳам ўзини оқлаган. Ижод мактаблари фаолияти адабиётимизнинг келажаги ёруғ ва буюк бўлишини кўрсатиб турибди. Ушбу мавзудаги шеърингизда ёзилгандек: "Асл адабиёт — ҳаёт мактаби".

Ашурали ЖўРАЕВ,
ёзувчи.

Жаҳонда нима гап?

ХИБСАДИ ТАНКЕР КЎЙИБ ЮБОРИЛДИ



Британиянинг "Stena Impero" танкери озол қилинди ва Эрон сув ҳудудини тарқ этиши мумкин. Бу ҳақда "AFP" агентлиги хабар берди.

Хабарда айтилишича, танкер ҳозирда Бандар-Аббос портида турибди. "Reuters" агентлигининг хабарига кўра, у тез орада Эрон ҳудудини тарқ этади.

Эрон томонидан Хурмуз бўғозида Британия кемаси халқаро қондаларни бузгани учун ушланган. Унинг бортида Россия, Хиндистон, Латвия ва Филиппин фуқароларидан иборат 23 кишилик экипаж бўлган.

"BOEING 737-MAX" САМОЛЁТИ НЕГА ҚУЛАГАНДИ?



Индонезия ўтган йил октябрда "Boeing 737-MAX" самолёти конструкцияда нуқсонлар ва назорат етишмаслиги оқибатида қулаб тушгани ҳақида "Wall Street Journal" хабар берди.

Навр манбаларининг айтишларича, ҳалокатга оид хулоса лойиҳасида кўрсатилган сабаблар орасида ўқувчиларнинг хатолари ва техник хизматдаги камчиликлар ҳам бор.

Маълумки, 2018 йил октябрда Индонезиянинг "Lion Air" компаниясига қарашли "Boeing 737-MAX" самолёти қулаб тушиши оқибатида 189 киши ҳалок бўлган.

СУНЬИЙ ОРОЛ 565 МЛН. ДОЛЛАР!

Хитойнинг Хайнань ороли яқинида жойлашган "Феникс" суньий ороли эгалари назорат қилувчи компания акцияларини сотувга қўйди.

Бу ҳақда "Netease" портали хабар берди. Орол нархи 4 млрд. юндан (565,7 млн. доллар) кўпроқни ташкил қилади.

Акцияларни сотиб олган харидор оролга эгалик қилиш ҳуқуқини олади. Шунингдек, у

оролга келувчи туристик лайнерлар инфратузилмасига хизмат кўрсатувчи компаниянинг 45 фоиз акциясига автоматик равишда эга бўлади. Оролдаги асосий бинолар орасида катта кема елкалари ўринишида қурилган 5 та замонавий меҳмонхона бор.

Худудга сайёҳларни жалб қилиш мақсадида архитектура, қурилиш ва дизайн соҳасидаги охириги ютуқларга биноан яратилган Феникс ороли "Шарқий Дубай" деб ҳам ата-

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ШАХС...

ОАВ Америка махсус хизмати айдоқчиси дейлаётган Олег Смоленков бедарак йўқолган, уни Россия қидирувга берди. Бу ҳақда "РИА Новости" хабар берди.



Аввалроқ "CNN" телеканали АҚШ махсус хизматлари 2017 йилги махфий операция чоғида Россиядан ўз агентини олиб чиқиб кетганини хабар қилган. Телеканалнинг таъкидлашича, у «Россия раҳбариятида ишлаган». АҚШ президенти Дональд Трамп бу воқеа ҳақида ҳеч нарсани билмаслигини айтган.

КУЛУПНАЙЛАР ИЧИДАН ИГНАЛАР ЧИҚДИ

Австралиянинг Виктория штати полицияси супермаркетлардан сотиб олинган қулунайлари ичидан игналар чиқиш ҳолатларини текширмоқда. Бу ҳақда "The Age" газетаси хабар берди.



Жабранган аёллардан бирининг айтишича, у тортга қўшиш учун сотиб олган қулунайлари ичидан игна чиққан.

«Қўларимга ишонмадим, вай ярамаслар, яхшиям болаларим қўлларидан қулунайлари энди ейишмоқчи эди, кўриб қолдим», деган у.

Утган йил сентябрда Австралия полицияси федерал текширув олиб борганди. Игналар банан ва олмадан ичидан ҳам чиққан.

Ушунда полиция ушбу жиноятни содир этган аёлни қўлга олган, аммо у гаров эвазига озодликка чиқарилган эди.



Интернет хабарлари асосида **А.СОДИКОВ** тайёрлади.

Эълон

Кадиров Пулат Хамидуллаевичга тегишли Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Ц-14, 11-уй, 14-хонадонга тегишли уй плани йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Молия муассасаларида



компанияси, "Агробанк" акциядорлик тижорат банки таклифи билан мамлакатимизда **Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси** ташкил этилди.

Лимончилик — истиқболли ва сердаромад тармоқ

уни янада ривожлантириш учун "Туронбанк" ҳам аниқ амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқармоқда

Уюшма фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ҳам тузилган. Айти пайтда "Пюре фрүт трейд" МЧЖ, "Холис саркор замин" МЧЖ, "КУББО мева-сабзавот" МЧЖ, "Сағбон тикувчи элит" МЧЖ, "Сора инвест" МЧЖ, "Узоқбой ниҳоллари", "Қурбон Иззатилла", "Абдурахмон Абдуғаффор давр" фермер хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари, лимон экспорти билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектлар Уюшма муассислари ҳисобланади.

Булар бежиз эмас, албатта. Лимон истиқболли ва сердаромад тармоқдир. Шу билан бирга, табиатнинг ушбу неъматини инсон саломатлиги учун қони фойда. Аввало, лимон табиий қон тозаловчи воситадир. Халқ табиатида ун-

дан қон босими кўтарилганда, ошқозон-ичак касалликларидан, подагра, атеросклероз, ўпка сили, нафас йўллари шамоллаганда, гепатит, бавосир, сийдик йўлларидаги тошларни эритишда, тана ҳароратини туширишда, бод касалликларини даволашда фойдаланилади. Лимоннинг хиди асабларни тинчлантириш хусусиятига эгадир. Бунда у нафақат ижобий таъсир қилади, балки хавотир ҳамда тушқунлик ҳисси билан курашишга ҳам ёрдам беради.

Маълумотларга қараганда, хорихда Элита ресторанининг олдига атайин лимон дарахларини экилади. Негаки, улар мижозларнинг бу ерда ўзларини қулай ва хушқайфиятда ҳис қилишларида катта роль ўйнайди. Бундан ташқари, лимонни кундалик истеъмол қилиш қариш белгиларини бартараф этади. Бу маҳсулот С, А, Е витаминлари, хром, калий, магний ва темирга бой. Ундан табиий те-



Хизматлар лицензияланган.

ХАЛҚ ТАБОБАТИДА УНДАН ҚОН БОСИМИ КЎТАРИЛГАНДА, ОШҚОЗОН-ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДА, ПОДАГРА, АТЕРОСКЛЕРОЗ, ЎПКА СИЛИ, НАФАС ЙЎЛЛАРИ ШАМОЛЛАГАНДА, ГЕПАТИТ, БАВОСИР, СИЙДИК ЙЎЛЛАРИДАГИ ТОШЛАРНИ ЭРИТИШДА, ТАНА ҲАРОРАТИНИ ТУШИРИШДА, БОД КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА ФОЙДАЛЕНИЛАДИ. ЛИМОННИНГ ХИДИ АСАБЛАРНИ ТИНЧЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТИГА ЭГАДИР. БУНДА У НАФАҚАТ ИЖОБИЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ, БАЛКИ ХАВОТИР ҲАМДА ТУШҚУНЛИК ҲИССИ БИЛАН КУРАШИШГА ҲАМ ЁРДАМ БЕРАДИ.

монлари ҳақида гапирди. Тадбиркорлар ва соҳага қизиқувчиларнинг қўллаб-қувватлари батафсил жавоб қайтарилди.

Семинар давомида Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси ҳамда Тошкент аграр университети вакиллари иссиқхона ташкил этиш, лимонни қайта ишлаш ҳамда уни етиштириш бўйича тавсия ва маърузалари тингланди.

Бундай сермазун учрашув шу кунни Сурхондарё вилоятининг Сариев туманидаги "UZAGRO LIDER" МЧЖ худудида ҳам ташкил этилди. Шуниси эътиборлики, мазкур семинарларда вилоятнинг ўндан ортиқ туманидан 300 га яқин соҳага қизиққан ташаббускорлар иштирок этди. Уларнинг 20 га яқини лимончилик бўйича кредит маблағи олиш истагини билдирди. Семинарда ушбу фуқароларга кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар бўйича тушунтириш ҳамда кўрсатмалар берилди. Уларнинг ташаббусини "Туронбанк" астойдил қўллаб-қувватлаши алоҳида таъкидланди.

Холида АҲМАДЖОНОВА.

Реклама ҳуқуқи асосида

▶ “Ўткан кунлар” ёди

Миллатимизнинг сеvimли ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари билан танишмаган ўзбек китобхони, ушбу бебаҳо асар асосида суратга олинган фильмни кўрмаган юртдошимиз бўлмаса керак. Орадан қанча йиллар ўтса-да, қадри ва эътибори вақт ўтган сари янада ошиб бораверадиган “Ўткан кунлар” фильми экранга чиқ-

қан пайтдаёқ катта шов-шувларга сабаб бўлганини ҳамон айтишди. Қолаверса, ушбу фильм учун танлаб олинган ижодкорлар, яъни актёрлар жамоасини ҳам юртимизнинг каттаю-кичик аҳолиси яхши танийди, эъзозлайди. Айниқса, фильмда севишганларнинг суҳбати йиллар ўтсада оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда. Абдулла Қодирий таваллудининг

112 йиллиги муносабати билан буюк ёзувчи асаридаги сеvimли қаҳрамонларни экранга кўчирган машҳур театр ва кино артистлари Гулчеҳра Жамилова ҳамда Гулчеҳра Саъдуллаева билан суҳбатлашдик. Ҳа, суҳбатдошларимиз — Зайнаб ва Кумуш ролларини бетакрор тарзда ижро этган элимизнинг сеvimли актрисалари иккала Гулчеҳра опалар бўлди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА:

“Сиз ўтганими?
дейишмеа...”

— Гулчеҳра опа, сиз халқимизнинг Кумуши бўлиб қолдингиз. Айтинг-чи, фильм суратга олинишидан олдин ушбу асар билан танишимизнинг?

— Очигини айтман, “Ўткан кунлар”ни мени таклиф қилишгунга қадар ўқимаган эдим. Сабаби, рус тилида таълим олганман, аммо ўзбек тилидаги нутқим нуксонлардан холи бўлган. Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асари рус тилига таржима қилинганида ўқиб, ёзувчининг маҳорати ҳақида тасаввурга эга бўлганман. Ўша пайтда ҳаммамнинг тилига тушган асарнинг экранга кўчирилиши ҳақида турли хабарлар юрарди. Хатто қайнонамнинг: “Гулчеҳра-хон, “Ўткан кунлар”га фильм ишланса, сиз роля ўйнасангиз яхши бўларди”, деганлари қулоғим остида.

Островский номидаги театр ва расомчилик институтининг драма ва кино факультетини битириш арафасида (1968 йил) бўлганим учун бутун фикри-хаёлим давлат имтиҳонлари ва театрдаги фаолиятимда эди. Дарсдан ташқари театрда ҳам асосий труппада ишлардим. Шу орада театрда “Ўткан кунлар” фильмининг асистенти Карим ака келиб, фильм учун сино топширишимни айтиб, “Узинг билган актёр йигитлардан ҳам таклиф қил”, дедилар. Курсдошим Ҳожиакбар Нурматовга, “Юр, Ҳожи (ҳозирда марҳум, Аллоҳ раҳмат қилсин) бирга бориб келайлик”, деганимда у аввалига “Мени ҳеч ким қақирмаган”, деб боришга унамади. Аммо барибир илтимосимга йўқ демади. Бирга бордик. “Проба”да Отабек ва Кумушнинг гўшанга киргандаги сўзлашган монологини ижро қилдик.

Имтиҳон ва ишларим билан бўлиб, орадан ярим ойга яқин вақт ўтганини билмай қолибман. Бир кун курсдош дугонам билан келинлик уйимдан ота уйимга дарс қилиш учун кетаётганимизда, узоқдан кимдир “Гулчеҳра-а-а-а” дея қақирди. Ҳайрон бўлиб, қайрилиб қарасам, кимдир: “Ҳомилдоримиз?” — деб сўради. Орамиздаги масофа анчагина бўлгани боис жавоб беришга иймандим. Ёнимдаги шаддод курсдошим: “Ҳа, ҳомилдор”, деди. У одам “Эҳ”, де-

ганча машинасида келган томонига қараб кетди. Мени ярим қақирим масофадан сўроққа тутган киши Борий Ходжаев эканлар. “Ўткан кунлар” бўйича мени яна таклиф қилишди. Борсам, Ўлмас Алихўжаев ҳам режиссёр Йўлдош Аъзамни кутаётган экан. Ўлмасни ора-сира кўра эдим-у, аммо салом-алиқдан нарига ўтмасдик. Кепка кийиб олиб ўтирган экан, “Здрасти” деб саломлашдик. Кутяпман-у, ичимда: “Отабекка Ўлмасни олишармикан? Бошқа йигит қуриб қолган эканми? Сочини йўқ кал бўлса”, деб ўтирибман. Аммо, яна озгинадан кейин фикримдан уялиб: “Ўлмас ҳам ичида Кумушга ҳомилдор Гулчеҳрадан бошқа актриса йўқ эканми?” — деб, ўтиргандир дейман. Хуллас, Йўлдош ака келдилар ва мендан: “Бу юзга доғ-поғ тушмайдим ишқилиби?” — деб сўрадилар. Ўзи шундоғам ҳижолатликдан зўрга ўтирибман. “Билмасам”, дейман.

— Қош терилмасин, хўпми? — дедилар. Индамадим. Стол олдидаги қопни кўтариб, Ўлмас иккимизга кўрсатиб: “Мана шу қопнинг ичи тўла Отабек ва Кумуш. Хатто фалон ва писмадончилар бу ролларга танишим чиқсин, қизим чиқсин, ўғлим чиқсин деб расм жўнатган. Аммо сизлар булардан устун чиқшингиз керак”, дедилар. Мана, шу кундан бошлаб биз ролга тасдиқландик ва сценарий бўйича тайёрлана бошладик.

— Фильмдаги машаққатларнинг ҳақида тўхталсангиз?
— Менинг у қадар машаққатли сахналарим йўқ. Фақат Кумуш ўлаётган вақтда анча вақт нафас олмай ётишга тўғри келган, шу эпизодда анча қийналганман. Қанчалик қийин сахна бўлмасин, битта дублда олганмиз.

— Ролнингиз асардан эмас, сценарийдан келиб чиқиб ўйнагансиз, тўғрими?
— Ҳа, фильмдаги образим учун сценарийга таянганман. Асар энг юқори савияда, юрак меҳри қўшилиб, матонат билан ёзилган. Романчиликнинг чўққисига чиқариб ёзилган, аммо асарни бор бўйича фильмда ақс эттириш имконсиз эди. Собир Муҳамедов асарни маромига етказиб сце-

нарийлаштирган. Биласизми, фильмнинг ютуқларидан яна бири, ушбу фильм учун танланган жамоа ўринли бўлган. Ҳар бир танланган қаҳрамон ўз образини масъулият билан ўйнаган. Фильм суратга олинишида халқимизнинг ҳам беқийс ҳиссаси борки, буни алоҳида эътироф этмасам бўлмас.

“Тошкент оқшоми” газетасида кимнинг уйда кўза, паранжи, идиш ва қадимий либослар, лавҳлар бор бўлса, “Ўзбекфильм” павильонига вақтинча муддатга топшириш ҳақида эълон берилган. Шунда кўпчилик уйдаги ноёб буюмларни “Ўзбекфильм”га олиб келиб топширган. Яна, биласизми, санъатга бўлган ҳурмат ва иззат юқори бўлганидан жиҳозлар учун таклиф этилган пулни рад этишган. Режиссёр эса фильмнинг кичик деталларига алоҳида эътибор қаратган. Йўлдош ака танлаган ҳар бир детал ва танланган актёрни кўрган томошабин, албатта, шу давр руҳиятини, нафасини сезмасдан қолмайди.

— Фильм экранга чиққанидан кейин юртимиз бўйлаб Отабек, Кумуш, Зайнаб исминини кўвончиларнинг сони сезиларли кўпайган экан. Фильмдан кейин сизга бўлган муносабат қандай бўлди?
— Бошида “Ўткан кунлар”даги Кумушга ўхшайсиз дейишса, “Кўпчилик шунақа дейишди, билмасам одам одамга ўхшайди-да”, дердим. Ҳа, менман дейишга уялардим. Ҳозиргача ёшлар кўчада кўриб қолишса, “Сиз ўшамми?” дейишди, “Ушарок” деб жавоб берарман (кулади).

— Абдулла Қодирийнинг ижодига ўзингиз қандай баҳо берасиз?
— Юқорида айтганимдек, Абдулла Қодирий буюк санъаткор, сўз устаси, халқ қаҳрамони. Давр оғир бўлишига қарамастан ўз сўзини айта олган улўғ ижодкор. У ёзган асарлар уйимизнинг ва қалбимизнинг тўридан жой олди. Абдулла Қодирий чиндан классик ёзувчимиз. Ушбу ёзувчининг бирорта ҳам ўртаимёна ёзган асари йўқ. Ўзбек адабиётида ўзи учун ҳайкал ўрнатган адиб, деб бемалол айта олам.

Гулчеҳра САЪДУЛЛАЕВА:

“Мен бахтли актрисаман”

— Гулчеҳра опа, сизнинг ҳам “Ўткан кунлар” фильмига келиш тарихингиз билан танишсак...

— Ушбу фильмга тасдиқлашим қизиқ кечган. “Узукжамол” фильмининг суратга олиш жараёнлари кетаётган паллада “Ўткан кунлар”нинг режиссёри ҳаракатимни кузатган. Эндигина 18 ёшни қаршилаган табиий гўзаллиги ва латофатидан бўлак ҳеч нарсаси бўлмаган оддий бир қиз эдим. Сочимни майда ўриб, “лайло” деб аталувчи дўппимни бошдан кўймай юрардим. Узукжамол образи учун



баламдан қоядан ўзимни сувга отишим лозим бўлган. Декорацияда йиқиладиган жойимга кўплай кўрпачалар тўшашган бўлса-да, оёғимга миҳ кириб қонатиб юборган. Ролим таъсирида бунга аҳамият бермай ўйнаверганман. Шунда Йўлдош Аъзам: “Фильмларимда албатта шу актрисани чақираман”, деб ният қилган эканлар. Киносинув бўлаётган вақтда Фарғонадан уч юзга яқин қиз келиб Зайнаб образи учун синов топширган. Аммо шунча чиройли қизлар туриб, мендек қорамгағиз қизини синовсиз қабул қилганлар.

Кундузи сьемка ишларини тугатиб, кечаси билан “Ўткан кунлар” асарини ўқирдим. Асарнинг ҳар бир сатридан янги маъно топардим. Қолаверса, ижодий гуруҳнинг сьемка жараёнида берган ёрдами ни унутмайман. Буюк актёрларимиз билан бир фильмда суратга тушганимдан фахрланаман. Узимни бахтлилардан бахтли актриса деб биларман.

— Суратга олиш жараёнида қандай унутилмас воқеалар бўлган?
— Режиссёрнинг ёрдамчиси юзимга буюк сурмаслигим учун доим ортимдан пойлоқчилик қиларди. Халқнинг меҳри Зайнаб образи тарафга оғиб кетмаслиги учун гримёрга юзимга қорароқ буюк суришни айтардилар. Қовоғим эса ҳар доим солинган ҳолатда бўлиши шарт эди. Табиийки, бу менга сира ёқмасди, чунки ҳар бир қиз экранга чиройлироқ бўлиб чиқишни истаиди. Бу фильмда бир умрга ёдимда қолган воқеалардан яна биттаси, от билан суратга олинаётган пайтда бўлган.

— Суратга олиш жараёнида илк бора отни кўриб, хайратда қолганман. Сабаби, шаҳарда ўсган қиз бўлганим учун ўша вақтда ит ва мушукдан бошқа ўй ҳайвонини кўрмаган эдим. Опоқ отнинг қоп-қора беғубор кўзларига

узук вақт тикилиб қолганман. Бир соат танаффус эълон қилинганидан кейин овқатимни ҳам емасдан “оқ отга мен ҳам миниб бироз айланай”, деганман. Ўлмас ака отга чиқазиб кўйганларидан кейин отнинг жилувидан тўтиш ўрнига ёлидан маҳкам чангаллаб олганман. Шунда от мендан кўриб кетиб, бирдан кишнаганча югуриб кетган. Югургани сари от ёлидан янада қаттиқроқ ушлаб олганман. Яхшиям оёғимни юганга қўйган эканман. Бўлмаса, у ўзидан отиб юборар экан. Бутун ижодий гуруҳ орқамиздан қувлаган, отга етволлишининг имкони бўлмаган.

Кишлоқ аҳолиси ҳам мендан роса хавотир олишган. Ювошгина отни шунчалар кўрқитиб юборган эканман, зўрга отдан тушириб олишган. Кўркувларим унут бўлгандан кейин, яхшиям ўшанда оқ отга минган эканман дейман. Бувимлардан қиз бола оқ отга минса бахтли бўлади деган гапни эшитганман. Бу бежизга эмас экан, бахтимдан ҳар доим мамунман.

— Демак, Абдулла Қодирийнинг ижоди билан жуда ёшлигингиздан яхши таниш бўлган экансиз-да?
— Ҳа, мактабда 8-синфда ўқиб юрган вақтларимдаёқ Абдулла Қодирийнинг асарларини ойнаин ёруғида бўлса-да, бекитиб ўқирдим. Ана шу давларда ёзувчинини гоийбона яхши кўриб қолганман. У пайтда актриса бўлишим хаёлимда ҳам бўлмаган. Ҳозир ҳам “Ўткан кунлар”ни ҳар йили бир марта ўқийман ва ҳар сафар янги маъно топаман. Абдулла Қодирийнинг ижоди ҳақидаги фикрларни ҳам ўқиб борарман. Айтишларича, ёзувчи Кумушни йигит сифатида севиб қолган, Отабекдан рашк қилиб, Зайнабнинг қўли билан “ўлдирган” экан. Ёзувчи ёзув столи устида йиғлаб ўтирганида рафиқаларини сабабини сўраганида “Кумушни ўлдириб қўйдим”, деб жавоб қилган дейишди...

— Демак, Абдулла Қодирийнинг ижоди билан жуда ёшлигингиздан яхши таниш бўлган экансиз-да?
— Ҳа, мактабда 8-синфда ўқиб юрган вақтларимдаёқ Абдулла Қодирийнинг асарларини ойнаин ёруғида бўлса-да, бекитиб ўқирдим. Ана шу давларда ёзувчинини гоийбона яхши кўриб қолганман. У пайтда актриса бўлишим хаёлимда ҳам бўлмаган. Ҳозир ҳам “Ўткан кунлар”ни ҳар йили бир марта ўқийман ва ҳар сафар янги маъно топаман. Абдулла Қодирийнинг ижоди ҳақидаги фикрларни ҳам ўқиб борарман. Айтишларича, ёзувчи Кумушни йигит сифатида севиб қолган, Отабекдан рашк қилиб, Зайнабнинг қўли билан “ўлдирган” экан. Ёзувчи ёзув столи устида йиғлаб ўтирганида рафиқаларини сабабини сўраганида “Кумушни ўлдириб қўйдим”, деб жавоб қилган дейишди...

— Демак, Абдулла Қодирийнинг ижоди билан жуда ёшлигингиздан яхши таниш бўлган экансиз-да?
— Ҳа, мактабда 8-синфда ўқиб юрган вақтларимдаёқ Абдулла Қодирийнинг асарларини ойнаин ёруғида бўлса-да, бекитиб ўқирдим. Ана шу давларда ёзувчинини гоийбона яхши кўриб қолганман. У пайтда актриса бўлишим хаёлимда ҳам бўлмаган. Ҳозир ҳам “Ўткан кунлар”ни ҳар йили бир марта ўқийман ва ҳар сафар янги маъно топаман. Абдулла Қодирийнинг ижоди ҳақидаги фикрларни ҳам ўқиб борарман. Айтишларича, ёзувчи Кумушни йигит сифатида севиб қолган, Отабекдан рашк қилиб, Зайнабнинг қўли билан “ўлдирган” экан. Ёзувчи ёзув столи устида йиғлаб ўтирганида рафиқаларини сабабини сўраганида “Кумушни ўлдириб қўйдим”, деб жавоб қилган дейишди...

— Демак, Абдулла Қодирийнинг ижоди билан жуда ёшлигингиздан яхши таниш бўлган экансиз-да?
— Ҳа, мактабда 8-синфда ўқиб юрган вақтларимдаёқ Абдулла Қодирийнинг асарларини ойнаин ёруғида бўлса-да, бекитиб ўқирдим. Ана шу давларда ёзувчинини гоийбона яхши кўриб қолганман. У пайтда актриса бўлишим хаёлимда ҳам бўлмаган. Ҳозир ҳам “Ўткан кунлар”ни ҳар йили бир марта ўқийман ва ҳар сафар янги маъно топаман. Абдулла Қодирийнинг ижоди ҳақидаги фикрларни ҳам ўқиб борарман. Айтишларича, ёзувчи Кумушни йигит сифатида севиб қолган, Отабекдан рашк қилиб, Зайнабнинг қўли билан “ўлдирган” экан. Ёзувчи ёзув столи устида йиғлаб ўтирганида рафиқаларини сабабини сўраганида “Кумушни ўлдириб қўйдим”, деб жавоб қилган дейишди...

Феруза РАҲИМОВА, суҳбатлашди.

▶ Тафаккур

Нафнинг агар халққа бешак дурур,
Билки, бу нафъ ўзингга кўпрак эрур.
Алишер НАВОИЙ.

Ёлғизлик ҳалоқатга олиб келади. Зеро,
инсон ўзига кераклик нарсаларни фақат
жамият ёрдамида қўлга киритади.
Абу Али ибн СИНО.

Болаларини писанд қилмаган
миллатлар инқирози
уларни ёт қўлларга ва ёт
маданиятлар ихтиёрига бериб
қўйганлари сабаблики, улардан
айрилишга маҳкумдилар.
Абдулло АВЛОНИЙ.

Хусни хулқдан яхшилик устига яхшилик
қўшадиган, хасаддан кўра ёмонлик устига
ёмонлик қўшадиган нарсаси кўрмадим.
Нажмиддин КУБРО.

Оқил кишилар дўст билан душманни,
душман билан дўстни алмаштирмайдилар.
Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ.

Ватан менинг жону таним, саждагоҳимдир. У менинг
тўлин ойим, тинч-омоним, иззатим, шарафим, Каъбам,
қиблам ҳамда гулистонимдир.
Абдурауф ФИТРАТ.

Билим, маърифат албатта, яхши ахлоқ билан безатил-
моғи лозим.
Абу Наср ФОРОБИЙ.

Бош муҳаррир

Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган
хатлар доимий
эътиборимизда бўлади.
Мақтубларингизни
кутамыз.Адали: 4010
Буюртма — V-3780Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими:
(0-371) 244-32-88Тошпириш вақти — 20⁰⁰
Тошпирилди — 19³⁰Манзил: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uzГазета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер А.Содиқов томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Х.Файзиева. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“O‘zbekiston” НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

HURRIYAT

Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлари
ижодий уюшмасиГазета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5